

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 20 июль
Сотувда эркин нархда
№ 139 (2436)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI


ЎЗБЕК РАКСИ АМЕРИКАЛИКЛАР ИЖРОСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида америкалик кизлар ижросида Ўзбек миллий рақслари концерти бўлди. Концерт Вашингтондаги «Ўзбек рақси ва маданияти жамияти» томонидан ташкил этилди. Мана бир неча йиллардан буюн мажор жамиятта раҳбарлик қилаётган Лоран Грей шарқ рақси сирларини ўрганишни истаганлар учун ёғи лагер ташкил этган. Бу ҳақда олдиндан Интернетда эълон берилди. Американинг турли штатларидан ана шу лагерда таътилини ўқизишни истаган кизлардан қўлаб истақлар тушайтгани қувончлидир. Шу йил давомида ўттизга яқин америкаликлар шарқ рақси сир-асорларини ўргандилар. Уларга Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмухаммедрова яқиндан ёрдам бермоқда. Концертта ташриф буюрган томошабинларнинг фикрига қараганда, бундай тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбек халқи миллий аъёнлари, урф-одатларига бўлган қизиқиш ва эътиборнинг тобора ошишига, мамлакатларимиз халқларининг янада яқинлашишига хизмат қилади.

Б. МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА, Вашингтон.

МУСТАҚИЛЛИК

деганда кўз олдимиздан
нималар кечади?



1991-
2000

ШУ ВАТАН МУҚАДДАСДИР!

Кулар аста ўтаверар,
умр асли бир нафасдир,
Ўз элинда бек бўлмасанг,
саройлар тор қафасдир,
Қолган гаплар шеърга сикмас,
бари бекор — абасдир,
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Муқаддасдир, заррасида
боболарим қони бор,
Ҳар оғочнинг, ҳар майсанинг
овози бор, жони бор,
Соҳибқирон азиз этган
шарафи бор, шони бор,
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Гар қул бўлса оталари,
фарзандлар ҳам қул бўлгай,
Ўри бўлгай аёллари,
келиндари тул бўлгай,
Бош эгмас мардлари ҳеч
хоҳи ёнгай, қул бўлгай,
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Олис йўлга чиққан буюк
карвонимни Тангри қўлар,
Элим деган, юртим деган
сарбонимни Тангри қўлар,
Буюк Темури, Жалолодин
орзулаган бу йўлар —
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Асл инсон ҳаммиса халқини ўйлагайдир,
Узоқ кетса соғинайдир,
Ватан суйган зотларни
Оллоҳ ҳам қўлагайдир,
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ.

Оғир синовлар,
азоб-уқубатларни
бошдан кечирган халқимизнинг асрий орзулари ушалди.

Дунё харитасида
жаҳон ҳамжамияти
томонидан тан олинган давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамият маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бангладеш Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Абдуссамад Озод Ўзбекистон Респуб-

ликаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев билан учрашди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривож-

ландириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди. Томонлар шериклик алоқаларини янада кучайтириш борасида музокара олиб борди.

(ЎЗА)



НОЗ-НЕЪМАТЛАР — ЭКСПОРТГА

Олтинсой тумани боғбонлари бу йил 5300 гектар тоқзор ва 700 гектар мевазорда 35 минг тонна узум ва қўлаб сархил мева етиштиришга аҳд қилганлар. Бу ерда маҳсулотни қайта ишлаш билан бир қаторда муайян миқдордаги узум ва меваларни Россия Федерациясига экспорт қилиш борасида ҳам шартномалар тузилган. Яқинда дўст мамлакат вакиллари хўжаликка ташриф буюришди. Сархил ноз-неъматлар уларга гоят манзур бўлганини яширишмади. Шу қунларда узум ва мева қарвонлари Россия сари йўл олаётир. Бу борада ҳар икки мамлакат тадбиркорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 июлдаги «2000 йилда хўл мевасабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни қўлайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори қабул қилинганидан жуда хурсанд эканликларини, ушбу қарор деҳқонлар ва истеъмолчилар манфаатига хизмат қилаётганини изҳор қилмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: тумандаги «Хўжасоат» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Иброҳимжон Алимардонов, ижарачи Баҳромжон Нурматов Россиядан келган тадбиркорлар билан; хўжаликнинг илгор ишчиси Хурриятхон Нурматова.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида шу йил 27-28 августда Осиё Олимпиада Кенгаши (ООК) Осиё Олимпиада Кенгаши (ООК) ижроия қўмитаси анжуманини ўтказишга боғишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Ийгилишда сўзга чиққанлар Осиё Олимпиада Кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан яна бир далолат эканини таъкидладилар. Бу қарорни, шубҳасиз, республикамизнинг мустақиллик йилларида спортда эришган ютуқлари, спортни тарғиб қилиш

ва ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасининг халқро миқёсдаги эътирофи, деб тушуноқ лозим. ООК ижроия қўмитасининг йиғилишида 2002 йилда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказиладиган ёзи Осиё ўйинлари, 2003 йилда Япониянинг Омори шаҳрида бўладиган киши Осиё ўйинлари, 2004 йилда Грекиянинг Афина шаҳрида бўладиган киши Осиё ўйинлари, 2005 йилда Япониянинг Омори шаҳрида бўладиган киши Осиё ўйинларини ўтказишга даъвогарлик қилаётган давлатларнинг таклифлари кўриб чиқилоди.

ХАЛҚАРО МУСИҚА АНЖУМАНИГА ҲОЗИРЛИК

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишда мазкур анжумани юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Бугунги кунгача АКШ, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Жанубий Корея сингари йигирма тўрт мамлакат вакиллари Тошкентда иккинчи марта ўтказиладиган симфоник мусиқа байрамида иштирок этиш иста-

гани билдирган. Йигирмадан зиёд ўзбек бастакори яратган мусиқий асарлар танлаб олингани ушбу тадбирда ортимиз номидан иштирок этадиган вакиллар қай даражада тарадуд қўраётганидан далолат

беради. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қошидаги камер оркестри, Миллий симфоник оркестр, Тошкент давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Ўзбекистон Ешлари театри қошидаги симфоник жамоалар ҳам фестивалда қатнашди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

КИМГА НОНВОЙХОНА, КИМГА ТРАКТОР

Самарқандда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги минитехнологияларнинг «Минитех-2000» ярмаркаси ўтказилди. Тошкент вилояти ва Самарқанддаги ўттиздан зиёд қўшма ва бошқа корхоналарда ишлаб

чиқарилган муқаймоқ цехлари, кичик нонвойхоналар, томчилаб суғориш ускуналари, минитракторлар, қадқолаш ускуналари ярмаркага келган тадбиркорлар эътиборига ҳавола қилинди. Давлат мулкчини бошқариш

САРАТОНДА ДЎЛ ЁҒДИ

лекин деҳқонлар шошиб қолишмади

Табиат тантилиғи қаҳри қаттиқлигининг ораси кўз билан қорасидай гап экан. Қуни кеча риштонлик деҳқонлари соҳибкорлар, фермерлару чорвадорлар бунга яна бир қарра иқдор бўлишди. Уша қуни эрталаб ҳаво очик, тонгданоқ саратон қуёши зағпига ола бошлаган эди. Тушликкача юмушларини саранжомлаб олган деҳқонлар ўзларини соя-салқин жойларга уришди. Тушликдан сўнг эса... Қатрон тоғлари ортига «беркин» олган қора булутлар секин-аста водий томон бостириб кела-

верди. Дала-боғларда шамол турди. Ҳаял ўтмай, қунботар томон зулмат қўйнида қолди. Гўё осмоннинг сув тўла жами ағдарилгандай, тўсатдан шарос ёмғир ёға бошлади, кейин у ёнғоқдай-ёнғоқдай дўлга айланди. Қўлни кўрган кексаларнинг айтишича, табиатнинг бундай «тантан»лигини сўнгги ярим аср ичида бирор-бир кимса эслаб олмади. 30 дақиқа ичида пах-

тазорлар ўрнида табиий қўл ҳосил бўлди. Айрим майдонларда эса эгاتлар шона, гул, қўсаққа тўлиб кетди. Табиий офатдан, айниқса, «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги», «Истиқлол», Келдиев номли, Ражабов номли жамоа хўжаликларининг экин майдонлари катта зарар кўрди. — Чорак асрдан бери бўрдоқчилик корхонасига қарашли тош-шағали ерлар-

да деҳқончилик қиламан, — дейди Курбонали Ёдгоров. — Бу йил астойдил меҳнат қилганимиз тўфайли мавжуд ғўза пайкаллариди 35-40 центнерлик хирмонга яраша ҳосил нишончалари тўпланган эди. Бир зумда қучли дўл, муз парчалари ва шамол далаларни шип-шыйдам қилиб кетди. Хўжалигимиз бўйича 200 гектардан зиёд пахтазор жиддий талафот кўрди.

Риштонликлар табиий офат қаршида довдираб қолмадилар. Уша қуниёқ ариқлар тозаланди, сув йўллари раволаштирилди, кўприклар созланиб, электр тармоқлари уланди. Ҳозир бутун вилоят ахли уларга қўмакка отланган. Биринчи гада жиддий шикаст кўрган ниҳолларни қатқолаш қилиш керак. Бунинг учун ҳар бир пайкалга биттадан хайдов трактори бириктирилди. Экинларни қўшимча озиклантириш чора-тадбирлари ҳам кўриляпти. Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.



ГАЗЕТАМИЗ — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Хўжалик судлари бозор иқтисодиётининг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Айтайлик, 2000 йилнинг биринчи ярмида мазкур тизимда 17 миңдан зиёд иш кўриб чиқилди. Натижада 53,4 миллиард сўмлик ҳажмдаги зарар даъвогарлар фойдасига

ундириб берилди. Мамлакат бюджетига 550 миллион сўм тушум таширилди. Хўжалик судлари саъй-ҳаракати билан солиқлардан ундирилмаган 15 миллиард сўм тўлов амалга оширилди. Буларга аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни кенг йўлга қўйиш эвази-

га эришилмоқда. Қонунарни тушунтириш матбуот, радио-телевидение орқали ҳам амалга оширилади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан ҳамкорликда икки йилдан буюн «Хуқуқ ва бурч» ижодий танловини ўтказмоқда. Кеча мазкур танлов ақунларига биноан Олий хўжалик судида анжуман бўлиб ўтди. Тахририятлар ўртасидаги беллашувда «Халқ сўзи» газетаси биринчи ўринга муносиб кўрилди. Анжуманда мазкур танлов бундан буюн ҳам давом эттирилиши таъкидланди. Ўз мухбирининг.

Ҳуқуқий жамият сари

Мамлакатимизда халқ фаровонлиги ва турмуш тарзини яхшилашга қаратилган ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Шу жумладан, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида адолатли суд тизимини шакллантириш борасидаги тўб ўзгаришлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлиси қатор сессияларидаги маърузаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида суд ислохотини янада ривожлантириш Дастури ишлаб чи-

қилди. Унинг асосига фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш ва кенгайтириш, суд тизимини демократлаштириш, суднинг мавқеини ошириш ҳамда суд ислохотида оид бошқа масалалар кўйилди. Судловнинг одиллигини таъминловчи ҳуқуқий майдон — умуминсоний кадрлар ва умум эътироф этилган ҳуқуқ андозаларига асосланган, шаклан ва моҳиятан янги қонунчилик тизими яратилди.

СУДьяЛАР ИХТИСОСЛАШУВИ — ДАВР ТАЛАБИ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси минбаридан туриб айтган «Ихтисослаштириш, албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва теъорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди», деган сўзлари ҳар бир судьянинг дилидаги гаплар бўлди, деган янгиликларимиз. Судларни ихтисослаштириш лозимлиги масаласи юқоридида фикрлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг шу йил 7 июлда бўлиб ўтган навбатдан ташқари пленумида муҳокама қилинди. Унда иштирок этган судьялар судларни ихтисослаштириш масаласини яқдиллик билан кўйлаб-қуватладилар.

устидан тарафларнинг юқори судларга шикоятлари ҳам кўпайиб борган. Ўзбекистон Республикаси Олий судига фуқаролик ишлари бўйича келиб тушган шикоятлар сони 1990 йилда 2414 тани ташкил қилган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 3253 тани ташкил этди.

Айтиш жоизки, вилоят ва унга тенглаштирилган судларда фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати мавжуд бўлса-да, бу ҳайъат судьяларнинг фаолиятини қоникорли деб бўлмайди. Сабаби, фуқаролик ишларини чуқур, мукамал эгаллаган судьяларимиз жойларда кам. Фуқаролик масалалари бўйича етарли тажриба ва малакага эга бўлмаган судьялар томонидан қўрилган ишларнинг сифати пастлиги, улар қабул қилган қарорларнинг анчагина қисми қассадия ёки назорат тартибиде Олий суд томонидан бекор қилинаётгани ачинарли ҳолдир.

Барчамизга маълумки, ишларнинг асосий қисми туман (шаҳар) судларида кўрилади. Судларда иш салмоғининг ортиши ва судьяларимизнинг айнан бир ҳуқуқ соҳасини мукамал эгалламаганликлари туфайли қонун талабларига мос бўлмаган ҳал қилувчи қарорларнинг чиқарилишига сабаб бўлмоқда. Бунга Олий суд қада назорат тартибиде чиқарилиб, ўрганилган ишларнинг аксарият қисми бўйича чиқарилган суд қарорлари орасидан протестлар келтирилаётганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Сурхондарё, Бухоро, Сирдарё, Наманган вилоятлари бўйича қабул қилинган суд қарорларига нисбатан бир мунча кўп протестлар келтирилган. Худди шундай ҳолатни бошқа қатор вилоят судлари фаолиятида ҳам кузатишимиз мумкин.

Умумлаштирув натижаларига қараганда, ариза ва шикоятларнинг аксариятида туман (шаҳар) судларида ҳал қилинган фуқаролик ишларини кўришда процессуал ёки тегишли қонун нормаларига риоя этилмагани қайд қилинади. Кўп ҳолларда ариза ва шикоятларда келтирилган важлар тўғрисида қандайдир шикоятчи ҳосил қилмоқда. Суд тизимида бундай камчиликларнинг мавжуд бўлиши айрим объектив ва субъектив сабаблар билан бирга судьяларимизнинг тўла ихтисослашмаганлигидир, деб биламан.

Жамиятимиз ҳаётида демократик ҳараётларнинг чуқурлашиб бориши, фуқароларнинг давлат бошқарувида бевоқиф ва билвосита қатнашувининг янада фаоллашгани, жамиятда юз бераётган салбий ҳодисаларга фуқаролар бефарқ бўлмастан ўз муносабатларини билдириб боришлари, шунингдек, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг қайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолати берилган», деган меъёрдан кенг фойдаланаётганликлари натижасида одил судлов тизимида фуқаролик ишларининг салмоғи ва миқдори йил сайин кўпайиб бормоқда.

Кейинги ўн йилдаги статистик маълумотларнинг таҳлили бунга мисол бўла олади. Агарда 1990 йил туман ва шаҳар судларида жами 67.942 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 90.571 тани ташкил қилади. Айни вақтда қуйи судлар томонидан қабул қилинган қарорлар

Хозирда фақат Тошкент шаҳридаги судларда узоқ вақт ўз қонуний ечимини топмаган 40 дан ошмиқ фуқаролик ишлари бўлиб, улар бўйича бир неча бор турли қарорлар чиқарилган. Бу ишларни ўрганиш натижасидан маълум бўлишича, мураккаб бўлган низоларни ҳал қилишга ҳали етарли малакаси бўлмаган судьялар жалб қилиниши натижасида қабул қилинган суд қарорларининг бекор қилиниши кузатишмоқда.

Судларни ихтисослаштириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленумида муҳокама этилиши муносабати билан 20 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг суд тизимидаги ихтисослаштириш жараёнлари



Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги байрами арафасида Хоразм вилоятида бир неча янги ишоотлар ишга тушади. Шулардан бири Хонқа тумани марказида қурилаётган касб-хунар коллежидир. 600 ўринли бу улкан ишоот қарийб бир йилда қад ростлади.

Айни пайтда «Хоразм-қурилин» ҳиссадорлик жамиятининг 1-сон кўча жамланмаси бинокорлари гишт қуйиш, пардозлаш, сувоқ ва дурадгорлик ишларини амалга оширишмоқда.

СУРАТЛАРДА: Хонқа тумани марказида қад ростлаётган янги коллеж кўришни; «Хоразмқурилин» ҳиссадорлик жамиятининг 1- кўча жамланмаси бинокорлари (чапдан) уста Ортиқ Курбон, монтажчилар бригадаси бошлиғи Рўздат Раҳимов.

Рўздат ЖУМАНИЕЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

«КОСКОМ» КОМПАНИЯСИ: БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ТЕЗКОР АЛОҚА

«Коском» Ўзбекистон-Америка уяли алоқа компаниясига бизнесда эришган ютуқлари, янги яшаш ва ишбилармонлик соҳасидаги ташаббускорлиги учун Европа Иттифоқининг «Euro Market Award 2000» мукофоти топирилди. Ўзбекистон бозорига фаолият юритаётган уяли алоқа компаниясига халқаро мукофот юксак иш сифати учун илк бор берилди. ЎзА мухбири «Коском» компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Азимжон ОРИФЖОНОВ билан телекоммуникация соҳасидаги ҳозирги аҳвол ва унинг истиқбол ҳусусида суҳбатлади.

солинган эди. Компания кўп миқозларни тўплаб, симсиз алоқа воситаларини ривожлантириш учун дастлабки йирик инвестицияларни жалб этди. «Ўздуробита» техник хизматдан янгилик яратмасдан, ўз фаолиятида америка AMP5 стандарти, яъни радиоалоқанинг бир туридан фойдаланди, 1996 йилдан эса янада мукамал DAMPS стандартида ишлашга ўтди.

«Бир мамлакат бозорига олтига уяли алоқа компанияси фаолият юритишни қандай баҳолайсиз? Бундай рақобат миқозлар учун фойдалими?»

«Дастлаб бир бозорда олтига компания яшаб кета олмайдиган, деган фикр ҳам мавжуд эди. Бироқ ҳозиргача юқоридеги компанияларнинг биронтаси фаолиятини тўхтатгани йўқ. Аксинча, уларнинг ҳар бири ўз иқтисодий ўрни, миқозларини тоғди, ўзининг хизмат турлари ва сифати, нарх сиёсатиغا эга.

Корхонамиз фаолияти нуфузли халқаро мукофот билан тақдирлангани биз учун қувончли ҳол. Бу воқеа республикада симсиз коммуникацияларни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди, дейиш ҳам мумкин. Маълумки, иқтисодий талабларига тўла жавоб бериш учун телекоммуникациялар бошқа соҳалардан олдинда бориши, бу борада юқори технологияларни қўллашга асосланган барча ютуқлардан фойдаланиши лозим. Ўзбекистонда ҳозир худди шундай жараён содир бўлмоқда. Келинг, бугунги кун тўғрисида гапиришга алоқа компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Азимжон Орифжонов билан суҳбат қилишимиз.

Сир эмаски, Ўзбекистонда уяли алоқа ҳам арзон, ҳам қиммат. Нархлар хилма-хил бўлиб, миқозларнинг турли эҳтиёжлари ва тўловга лаёқатлилиги асосланган. Айрим компаниялар фақат Тошкент шаҳрида фаолият юритишга мошлаган ва ўз олдида бутун мамлакатни қамраб олиш вазифасини қўймаган. Тармоқни ривожлантиришга маблағ сарфлаганлари сабабли улар таклиф этаётган алоқа бир-мунча арзон. Бунинг қанчалик истиқболли эканлигини бозор кўрсатади.

«Бир мамлакат бозорига олтига уяли алоқа компанияси фаолият юритишни қандай баҳолайсиз? Бундай рақобат миқозлар учун фойдалими?»

«Дастлаб бир бозорда олтига компания яшаб кета олмайдиган, деган фикр ҳам мавжуд эди. Бироқ ҳозиргача юқоридеги компанияларнинг биронтаси фаолиятини тўхтатгани йўқ. Аксинча, уларнинг ҳар бири ўз иқтисодий ўрни, миқозларини тоғди, ўзининг хизмат турлари ва сифати, нарх сиёсатиغا эга.

Ўзбекистонда уяли алоқа тизимида республикада 1992 йилдан фаолият юритиб келаётган «Ўздуробита» Ўзбекистон-Америка қўша компанияси томонидан асос

КИЧИК ФОРУМ

Авал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Фидо-корлар миллий демократик партияси ташаббуси билан сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришда тугатилган ўрни, вазифалари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан ўзаро алоқалари масалаларига бағишланган қатор илмий-амалий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Кеча республика Миллий матбуот марказида «Сиёсий партияларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик масалалари: фаолият доираси, муаммолар ва уларнинг ечими» мавзусида бўлиб ўтган кичик форумни ана шу тадбирлар мажмуасининг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Кичик форумни ФМДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Ахтам Турсунов олиб борди. Унда дастлаб Каунтерпарт консорциум нодавлат ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори, сиёсатшунос Девид Смит, ФМДП Марказий Кенгашининг эксперти, юридик фанлари номзоди Бобоқул Тошевнинг маърузаси қилди.

Охири қашнаба кунни Жиззах-Тошкент йўналишида рўй берган галати воқеа ҳақида бир танишимиз гапириб бергандан сўнг ҳамон кўнгулчи ҳижиллик тарқамаяпти. Наҳот, одам боласи ўз нафсини қондирш учун шу қадар паст кетса, энг таажжублиси, атрофдаги бошқа кимсалар бундай ноҳўя ҳаракатни тўсиш ўрнига... ёрдам бериб юборсалар?

«Мен аввалига воқеанинг тубига етолмайман, ҳаммаси яқун толғач ҳаяжонга тўла хангоманинг нималигини пайқадим унда кеч бўлганда, — дея хикоя қилади танишим. — Биз Жиззах автобус бека-тидан йўлга тушганимизда соат кундузи роппароса икки бўлганди. Тошкент вилоят автокорхонасига тегишли автобус 2-3 километр ҳам юрмасдан катта йўл четиде тўхтади. Автобусдан икки нафар буй етган қиз шошиб тушди-да, тўғридаги дарвозага кириб латтага ўралган буюмларни олиб автобуснинг орқа эшигиндан чиқдилар. Автобус ўз йўлида давом этди. Шундан то Оқолтин тумани му-юлишигача ҳеч гап бўлма-ни йўқ. Шу ерга келганда гавдаси спортчиларникига ўхшаш йигит олдинги эшикдан чиқди икки томондаги ўриндиқлар тағи-

Таажжуб

ларми?» «Ҳаммасини еъ қиламиз» деди «Барзанги» бамайлиҳотир. Йўловчилар бу очик савдоний ҳайрон кузатиб боришарди. Автобус Қозогистон

«Сизлар томошабин бўлиб туравердиларингми?» — сурадим ошмандан. — Нима ҳам қилиш мумкин? Ким билсин, ёнимда ўтирган йўловчи уларнинг худдининг бир жойида тўхтади. Йўл четиде эса юкхонасини ланг очган «Жигули» машинаси, яна икки киши интизор бўлиб кутишарди. Шу ерда маълум бўлишича, кўпчиликнинг «назарига тушган» юк эгалари фақат икки қиз эмас, улар билан бирга ёши улгуроқ аёл ҳам бор экан. Учовлари чаққонлик билан орқа эшикдан тушиб қолишди.

она тупроғига мансуб бойликни ўз нафсини қондирш мақсадида бошқа мамлакатга сотиши учун маънавий жиҳатдан қанчалик тубан бўлиши керак? Юқоридеги ҳолат бўйича қонунчилигимизда қандай қоралар борлиги билан қизиқдим. Олий Мажлисининг II сессиясида киритилган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича Жиноят кодексининг 185-моддасида рангли металлларнинг қўзи тушса (аслида, улар газета ўқишлари ҳам даргумон), «Қуруқ ваъхонлигиндан ўргилдим» деб қўл силтаб қўйиши мумкин. Лекин менинг умидим бошқалардан. Жамиятимизда шундай муҳит яратмоғимиз керакки, токи юқоридеги ҳолатларга жамоатчиликда тоқтасизлик, муро-сосасизлик муносабати вужудга келсин. Қонунни оёқ ости қилган, текширувчи-назоратчиларни қўлга олган кимсалар фақат жамоатчиликнинг нафратидан сесканиши мумкин. Агар оёбод ва оёзод Ватан барпо этиш, мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш каби даъ-ватларимиз қуруқ шпор бўлмасин десак, жамоатчилик уйғонмоғи керак.

Шухрат ЖАББОРОВ.

ЎҒИРЛИК

Бу воқеа қуппа-кундузи кўпчилик кўз ўнгиде рўй берди

худдининг бир жойида тўхтади. Йўл четиде эса юкхонасини ланг очган «Жигули» машинаси, яна икки киши интизор бўлиб кутишарди. Шу ерда маълум бўлишича, кўпчиликнинг «назарига тушган» юк эгалари фақат икки қиз эмас, улар билан бирга ёши улгуроқ аёл ҳам бор экан. Учовлари чаққонлик билан орқа эшикдан тушиб қолишди.

(Давоми. Боши 3-бетда).
жусали Субий домумло кейинки ривоятдан ҳам дарс ўқиб бошлади. Оқ-сарикдан келган, ўрта бўй, кўзлари катта-катта, хамиша баланд кайфиятли Абдуллохон домумло Бедил ва Навоийни завқ-шавқ билан шарҳларди. Камсухан, хушмуомала, камбағаллиги юриш-туришидан кўзга ташланган турадиган, сийрак соқол Абдуллохон домумлонинг суҳбатлари талабаларда ҳаётга, одамларга муҳаббат уйғотарди. Унинг этагига ёпишганлар кўп эди.

— Бу ерда тахсил қўришдан ҳолис мақсадларинг нима? — ўзаро суҳбатларнинг бирида сураб қолди у. Биров уни, биров бунни айтди. Хар каллада хар ҳаёл. Бирор маҳаллага имом, қозига мирзо, ҳеч деганда сўфи бўлиб, ўз тирқичилигини яхшилаш уйда юрганлар ҳам мунозарада бўлиди.

— Чўпонлар орасида шундай нақл бор, — дейди суҳбат охирида одамийликдан маъруза ўқиган домумло сўзни муҳасарлаб. — Ёлғиз бошинг учун меҳнат қилсанг, ўз қорни учун утлаган хайвоннинг бири бўласан.

Аскарари кўпича мутлола устида гоҳ Хўжа Аҳмад Яссавий, гоҳ Сулаймон Боқиргоний, гоҳ Суфи Олловер билан хаёлан юзма-юз келиб, ҳали билмаган нарсалари, ўқимаган китоблари кўпчилигини сезиб, мутлолага қаттиқроқ ёпишарди. Шундай пайтларда Навоий ва Бобурдан, Гулҳаний ва Махмурдан, Муқимий ва Фурқатдан кўмак суради. У ҳамшаҳарлари Убайдулло Завкий, Ермухаммад Ерий, Исмоилжон Фарбий, Авазмухаммад Писандий, Мирзахасан Иброҳим Даврон, Шабод Махсум, Пулатхон домумло, Хамза Хақимзода Нивий суҳбатига интиларди. У анчадан бери газал машқ қилар, аммо уни ҳаммадан сир тутарди. Утлабди қолган газалларини кимга бўлса-да кўрсатиб, баҳосини жуда-жуда эшитгис келар, аммо раёини қайтардиган бирор сўз эшитиб қолишдан чўчиди. Севимли устози Мирзои Хўжадийга билдирсамкин? Сарбо-тир гузариди бақол Мўминжон Мақсад-чи? Уни зўр ҳажми шор дейишди. Ҳали бечорани одам. Аскарари бақол билан яқинлашди режасини тузди. У бақолнинг холи қолган пайтини пойлаб, кўлига бир йўла бир газал ва икки ҳажв тутқазди.

— Мадрасадаги улфатларимдан бири ёзган, — деди олдиндан ўйлаб кўйган гапни такрорлаб, — ўзи уят-чан йигит. Қанақа чикдийкин, деб хавотирди.

— Улфатингиз бало-ку, — Мўминжон Мақсад бир ўқиб ва яна қайта кўз югуртириб, табассум билан бошани кўтарди, — айниқса ҳажвясини баланд. Уни камина билан таништириб кўймайлисизми?
Тавзим билан ўрнидан кўзгалдан Аскарари эртасига яна бир ҳажв олиб келиб, кечагилар ҳам ўзиники эканини терлаб-пишиб изхор этди. Мўминжон Мақсаднинг хушунлигини унинг соддадиллик билан Аскарарини ўтиригизгани жўй тополмай қолгани сездириб турарди. У эриб

кетиб, шу маҳаллалик ҳаммага таниш судхўр бой билан оралирида ўтган мижозлардан гап очди. Эрта баҳор у бойдан қарз олган экан. Ёзининг аринга келиб, бой ўша қарзини беш баробар қилиб тўлайсан, деб туриб олибди. «Агар ўша пулга фалонча товуқ олганимда фалонча туҳум тўгарди, фалонча жўжа онарди» деб оғини тирабди. Шор шў воқеага бағишланган «Хўжайин булбул бўлиб, бизга наво қўлиқчилар» мисраси билан бошлаган ҳажвясини ўқиб берди. Аскарари яйраб қўлди. Бора-бора қаллилашиб кетишди.

Энди у дадиллашиб, машқларини Мирзои Хўжадий хузурига ҳам олиб

чикмасин!
Аскарари нима дерди. Ота юзига чопармиди? У дастгоҳга шўнғиб кетди. Қўллари арқоқда-ю дили моқкилар оҳангиде, шеърда. Газал Махнунини Лайли оғушидан қайси кўларга айира олади? Аскарари ёзганларини пинҳона сақлайди, пайт пойлаб, устозлар назаридан ўтказиб олади. Углининг газалларини мулла Аҳмад аттор-яллачи, Фарзинча, Гофиржон, энди-энди танилиб келаётган Эрка қори ижросида эшитган Хамроали ота Аскарари олача тўқийган дастгоҳ ёнига келди. Унинг нуруний чеҳраси нимаданандир ҳижолат тортаётгандай қизишган.

қилчини кўтариб, ҳамма ёқни туман босган, фойз кўтарилиб кунларнинг бирида устоздан бутунлай айрилиб қолди. Қабр устидаги хайр-маъзурда шор ва адиблар номидан бўлиб, бир нималар дегандай бўлдим. Ўйлаб-ўйлаб гапиролмай қолдим. Дунёда ўлим деган аҳр борлигини нега унутдим? Тайёр нарсаларни йўқотдим-қўйдим. Бугунги ишни эртага қўйишдан ортиқроқ хатолик йўқлигига амин бўлдим. Устоз, мана қабрингиз пойида турибману Саъдий овозини эшитиб-тайғандайман.

Мозоримдан ўсанг, ай пок дил, Азалар ҳажв, бизни ҳам ёд қил. Агар Саъдий тупроқ бўлибди на гап,
Эди ҳокисор ул тирқиқда ҳам
Ахир бу Сиз-ку, ҳокисорлиғи худди ўзингиз-ку Сизни қидириб, китобларингизда, шор-ғирлар эсдаликларидан, ўзингиз тиклаган қанча-қанча қўлемлардан, одамларнинг кўксидан топдим. Сиз қора тупроқда эмас, муҳаббатли кишилар қалбиде уйғоқлигингизга, хамиш



«Кўп эртақ эшитгандим, сўйлаб берарди бувим...»
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
сурат-лаҳзаси.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ЧАРҲИЙ

(очерк)

кирадиган бўлди. Икки забардаст шорининг йўл-йўриги Аскарарини ғайратлангирди. Унинг бу майлидан хабар толган Хамроали отанинг ўйламаган ўйи қолмади. «Шоирлик — бу дарвишлиқнинг ўзи-ку. Бу йўлга тушганларнинг аҳолини ким билмайди. Мадрасани битиришига оз қолди. Хали ҳам қеч эмас, ота касбидан қол-масин». Углининг қашшоқлик йўлини танлашига қайси отанинг қўлиги чидади? Ҳаммаҳаллалари Авазмухаммад Писандийнинг ноласини у ўз қўлиги билан эшитмаганми?! Урта бўлиб, оқ сарикдан келган, қўлиги ваэмин, шошилиб гапирадиган, тили чучук Исмоилжон Фарбийи кўриниб кетди Хамроали отанинг кўзига. Шундай катта шоир бирор кўлига қарамайди. Ширали овози билан Муқимийни мафтун этган, ўрта бўлиб, иккала жағида соқоли бору яғида соқоли йўқ Шодмон хожи-чи? Бахтис кариди. Унинг танбур чертиб айтган ашулаларини Хамроали косиб нечача марта сув бўлиб тинглаган. Шундай одам «гадои бавосила» бўлса! «Гадои бавосила» — таниш-билнашларига арзимас совға олиб бориб, қийналиб қолганини изхор этиши! Болаларнинг арзон ўйинчоқларини кўтариб, кимникига киришини билмай изиллаб юриш! Углининг шундай афгор бўлишини Хамроали ота сира-сира истамайди.

— Углим, — деди ана шу ўйлар билан боши ари уядай гувилаган Хамроали ота Аскарари мадрасани тугатганлиги ҳақидаги ёрликни олиб келгандан кейин, — ўқиб билан бирга косибчиликни ўрганиб борганингиз хўп иш бўлди. Сизга ҳам алоҳида дастгоҳ қуриб қўйдим.

— Тайёрман, дада.
— Эшитишимча, — деди узок сукутдан кейин Хамроали ота, — таъби назм билан шўғулланаётган эмисиз. — Сал-пал...
— Мени кечиринг, ўғлим, — гапнинг тўғрисига қўчди ота, — бу йил кишини дарвишликка етаклайди. Сиз косиб ўлисиз, қозонингизни касибингиз қайнатади, эсингиздан

— Падарингиздан хатолик ўтибди, — деди у, — қаламни ташламанг, ўғлим!

Аскарари бутун меҳрини тўқиб, чиройи ва пишк мато, бўш вақт топдим, газал тўқирди.

1917 йилнинг кузидан Кўқоннинг алков-далгов кўллари бошланди. Қалта камзул қийанлар бун «Хуррият» деб «Муқимий айтган йўқлағудай бир ҳаши замон» келгани шў деб жар солишди. Аскарари сийбасдан ўзини четта олди. 1926 йилда уйдаги дастгоҳни янги ташкил этилган артелга қўчириб, ёш тўқувчиларга узозлик қилди. У ота касбига ишора қилиб, шеърлари тағига «Чархий» тахаллусини кўп бошлади. 1940 йилда артелда гулабардорлик қилган шор шў йили Кўқон ёзувчилар уюшмасининг котиби бўлди. 1943-1947 йиллар орасида Усмон Юсуфов тақлиби билан Тошкентда бориб, урушда ота-онасидан айрилган ўсмирлар учун очилган хўнар мактабиде тўқувчиликни ўргатди. 1948-1951 йилларда эса соҳибкорлиги билан ҳам таъинланган Чархий Кўқон шаҳрига туташ Муқимий номили колхозда боғ бригадаси бошлиғи сифатида қанча-қанча янги мевозорларнинг ташкил этилишига ишбoshi бўлди. Кўп йиллар давомида Муқимий ўй-музейида илмий ходим бўлиб, Муқимий ва унинг замонашлари адабий меросини тиклаш, уни авайлаб сақлаш, эълон қилинмаган бир қанча газалларини халққа тақдим қилишига фаоллик кўрсатади. «Ширин-аччик», «Алиқўжа-Хўжаали», ўзбек шоирлари кутубонаси туркумида чиққан девони шеърини шайдолари орасида қўлма-қўл бўлди.

... Умрнинг вафо қилмаслигини билмасак-да, ноумид шайтон деганлариде, устозга термулиб кўллари, ҳафтаалари, икки-уч ойни кузатдик. Бир хилдалар, гапиролмайди, ким келяпти, ким кетяпти, билмайди. Қани эди, озгина тўзалсалар, энг аввал ҳамма мушоираларни бир амаллаб ёзиб олган бўлар эдим. Ўша шеърлар энди ҳеч қаерда йўқ. Қиш

ша тирик эканингизга ишондим. Яқинда қувончдан юрагим ёрилаётди. Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида адабий ўрашувга йиғилдик. Алломалар орасида мумтоз сўзимизнинг беназир билимдони, машҳур адабиётшунос, адиб, минг-минглаб шеърли сатрларни ёд айтадиган устоз Азизжон Қайумовнинг ҳам борлиқларидан қувондим. Суҳбат давомида, атайин Аскарари Чархийдан сўз очдим. Биринчи чархий-шўнослардан бўлган Азизжон домумло Бехос Чархий ва Ерий мушоирасини эслаб қолдилар.

— Устоз, ўқинг-ўқинг, — деб илтимос қилдим. Уқидилар.

Чархий:
Нозик қадинг чиройи чаманнинг лафозини,
Оху кўзинг қарашмаси оламнинг офати.

Ерий:
Гулзорларда гул очилур они васфидан
Булбул фиғону нолаسدандир шарофати.

Азизжон домумло ўйлаиб қолдилар: — Чархий устознинг ўзларидан эшитган эдим. Давоми ёдан кўтарилибди, — дедилар. Яна бир дақиқадан кейин мушоиранинг охирини эслаганларини айтдилар.

Чархий:
Чархий хамиша ёр васлин тилаб дегай
Қай кун муяссар ўлгуси хуснинг зиёфати.
Газалини ўқиб бўлиб, завқ-шавқ билан: — Қандай гўзал, қандай гўзал, — деб бош тебратдилар. Қолганини ҳам, бошқа мушоираларни ҳам топаман, — деб ичимда ишонч билан пириладим. — Кўқонда домумлонинг энг истеъодли шоғирди Аҳмадхон Мадаминов Борлар-ку. Ул устознинг ҳам ичлари тўла шеър-ку.
Аскарари Чархийга эхтиромим мени яна Кўқонга чорлаятти...
Йўлдош СУЛАЙМОН.

«ЯНГИ БИНО»ДА ЯНГИ ШИФОХОНА
Чорвадорлар юрти — Нуротанинг узок-узок қишлоқларида яшовчи аҳоли ҳам «Соғлом авлод йили»нинг мевасидан баҳраманд бўлмоқда. Оқтепа, Сойкечар, Янгиобод, Қирғавут қишлоқларида ишлаб турган қишлоқ врачлик пунктларида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ўрнатилди. Улар малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланди. Яқинда эса «Янги-бино» қишлоғида шифохона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Файзулла Хўжаев номили ширкат хўжалиги худудидеги бу шифо маскани чорвадорлар мушкулини енгиллаштирди.

Қишлоқ аҳолиси энди даволаниш учун Нурота шаҳрига қатнашу йўл азоби-дан қўтилди. Врачлик пунктидеги оналар ва болалар бўлими, физиотерапия, гинекология, тахшис қўйиш, терапия, стоматология каби хоналар энг сўнгги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Бинони «Навоийдеҳ-қонқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси қурувчилари бунёд этишди. Қурилиш-монтаж ва тиббиёт жиҳозлари учун 25 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИДЖОНОВ,
- С. МУХИДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАРҲОДИЙ,
- И. ШУЛОБЕРОВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ҳ. ҲОШИМОВ.

БҮЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
- Хўж — 136-07-94;
- Иқтисодий — 136-36-65;
- 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Хатлар — 136-29-89;
- 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
- Асборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II — компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРНПОВ.
Набатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Набатчи — Б. ОСТАНАҚУЛОВ.
Мусахҳих — А. САТТОНОВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрирхона ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилди — 20.45
1 2 3 4 5 6

ЭЪЛОН

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Шарқ тиллари ва хорижий мамлакатлар минтақашунослиги» мутахассислигига ихтисослашган АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

2000-2001 ўқув йили учун қабул эълон қилади.

Академик лицейда араб, форс, ҳинд, япон, хитой, корейс, инглиз тиллари мукаммал ўргатилади. Ўқувчилар дипломатия протоколи, компьютер технологияси ва хорижий фирмаларда иш юритувчилик асослари бўйича амалий билимларни ҳам эгаллайдилар. Махсус дастур асосида олий ўқув юртига кириш тестларига тайёрларлик факультативлари фюлият кўрсатади. Академик лицейда олий малакали фан докторлари ва номзодлари дарс берадилар.

Академик лицейда ўқиш мўддати 3 йил, 9-синф битирувчилари тақлиф этилади.

Қабул ҳужжатлари:
1. Ариза.
2. Шаҳодатнома (асли).
3. 086 шаклдаги тиббий маълумотнома.
4. Конверт.
5. Тез тиккич (скоросшиватель).
6. Тузилганлик тўғрисида гувоҳнома.
7. 3x4 ўлчамдаги 6 та фотосурат.

Имтиҳон тартиби: хорижий тил, она тили ва адабиёти, тарих фанларидан тест асосида бўлади.

Ҳужжатлар қабул қилиш мўддати: 5. 08. 2000 гача

Академик лицей манзили:
С. Раҳимов тумани, О.Бобожонов кўчаси, 20-уй.
10, 85, 88 - автобуслар, 27-трамвайнинг «Шимолий олмасор» бекати (С. Раҳимов тумани, «Миконд» заводи олдида).
Тел.: 48-02-71, 133-45-21.

JETRO JOB OPPORTUNITY

Japan External Trade Organization (JETRO) seeks well-educated, experienced and dedicated local individuals to work as executive assistance for economic research and analysis, and also for program implementation in Tashkent office.

The ideal candidates for economic research and analysis position will:

- Have an experience of work in an institute for economic as a researcher;
- Have periodical economic report making skills from basic economic-social data or any materials concerned;
- Be able to take an interview from the persons who concern and include it into the report;

The ideal candidates for program implementation position will:

- Be able to implement the program to encourage the economic relationship between Japan and Uzbekistan and have a strong will to carry it out;
- Have an experience of work in an International or Governmental Organization or a foreign company;

Both categories of candidates should:

- Have international and regional economic knowledge;
- Have excellent English, Russian and Uzbek writing and oral skills;
- Be computer literate (MS Word, Excel, etc.);
- Be based in Tashkent but be prepared to travel on occasion;
- Have strong communication and interpersonal skills;
- Adopt flexible in an ever changing environment

Note: The candidates should submit resumes/CVs identified which category applying to with a questionnaire for three points as below,

- 1) Why did you decide to apply the JETRO staff?
- 2) How do you show your ability or talent in JETRO's job?
- 3) What is your idea on the relationship between Uzbekistan and Japan in near future?

before the closing date of July 31, 2000 to

BUSINESS COMMUNICATION CENTER (BCC)
16, a Shakhrisabz St., 4th floor
P.O. Box 2885, Tashkent 700015
Phone: 152 66 79

Only short listed candidates will be informed and invited for an interview.

ТУРТ НОМАДГИ ДАРЁ

Малайзиядаги энг катта дарёнинг узунлиги 120 километр бўлиб, номи тўрттадир. Дарёнинг дастлабки 32 километрини маҳаллий аҳоли Бетис деб атайдди. Ундан кейинги 44 километри Нингири, яна 44 километри Галас ва сўнгги, Жанубий Хитой денгизига қуюлувчи қисми Келантан деб аталади.

27 йил югуриб...

Нафақахўр Пауль Эппель жаҳонда хизмат кўрсатган ҳаваскор-югурувчидир. Германия фуқароси бўлиш бу қария 2955 та медал, диплом ва бошқа мукофотлар эгаси. Эппель буларга 27 йил давомида турли мусобақаларда қатнашганлиги учун (қўлида галаба қозонган) эришган. Тиззасининг узок йиллардан бери оғришига қарамай, собиқ сотувчи ҳамон спорт билан машғул.

ҲАМ ОЛМА, ҲАМ ЁНҒОҚ

Бразилиянинг шимоли-шарқидеги қурғоқчил ўрмонларда ажойиб ўсимлик ўсади. Унинг номи кажу. Унда бир вақтнинг ўзида ҳам ёнғоқ, ҳам олма гишади. Тавба, чиндан ҳам гаройиб-а? Дарахт кўпман катта эмас — бўйи 10-12 метр, бироқ ҳосили тузуқкина: мавсумда бир дарахтдан 10-12 кило ёнғоқ, 30 кило атрофида олма узиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг бош мутахассиси М. С. Солиқовага падари бузуқворини.

Ўзбекистон радиоси жамоаси «Мадаҳкор» бош муҳаррирининг бош муҳаррир ўринбосари

Мамаржаб ИМОНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор қилади.

Енгил саноат моллари ишлаб чиқарадиган «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси бошқаруви ва жамоаси енгил саноат тармоғининг собиқ масъул ходими

Ўғир УМАРБЕКОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти жамоаси Ўзбекистон Балий академияси расисининг ўринбосари

Тоҳир МИРЖАЛИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон Балий академияси расисининг ўринбосари